



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

Иқтисодиёт ва менежмент _____ факультети

Индустриал иқтисодиёт фанидан

КУРС ИШИ

**Мавзу: Иқтисодий модернизациялаш шароитида енгил саноат
тармоғини ривожлантириш истиқболлари**

ИК-316 гуруҳ талабаси

Бажарди: А.Исмоилов

Текширди: З.К.Рахимов

Самарқанд – 2019

Режа:

Кириш	3
1. Мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ва барқарорлигини таъминлаш асослари ва унда енгил саноатнинг ўрни ҳамда аҳамияти	5
2. Ўзбекистонда енгил саноатни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.....	8
3. Ўзбекистон енгил саноати ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва асосий натижалари таҳлили.....	11
4. Енгил саноатда тўқимачилик маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш.....	16
5. Енгил саноат таркибини такомиллаштиришнинг стратегик йўналишлари.....	19
Хулоса ва таклифлар	24
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	26

КИРИШ

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш шароитида енгил саноат миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида, айниқса, Президентимиз томонидан мазкур тармоққа қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли Ўзбекистон нафақат пахта хом ашёси етиштирувчи, балки уни қайта ишлаш салоҳияти юксалиб бораётган давлатлар қаторидан жой олди.

Енгил саноат тармоғини ҳозирги пайтда товар ва хизматлар бозорининг ажралмас бир бутун бўлаги сифатида қараш мумкин. Енгил саноат миллий иқтисодиётни тармоқлари орасида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи ва бозор муносабатлари тизимида аҳоли эҳтиёжларини қондирувчи энг катта тармоқ ҳисобланади. Ишлаб чиқаришга савдо буюртмалари, шартнома тизими орқали таъсир этиб, ўз хизматлари маҳсулотларини истеъмолчига савдо тўрлари, савдо шоҳобчалари орқали етказди. Бу билан енгил саноат, истеъмолчиларнинг ўз маҳсулотларига бўлган талабини қондиради. Талабни қондириш эса иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, иқтисодий фаолиятни рағбатлантирувчи импульси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобиль телефонлар, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги замонавий корхоналар ташкил этилмоқда.

Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланмоқда. Ана шундай ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши ҳозирги вақтда 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2000 йилда 14,2 фоиздан иборат эди.

—Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, 2014 йил саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш йили бўлади. – деб таъкидлаб ўтилди.¹

¹ 1 И.Каримов. 2014 йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

1. Мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ва барқарорлигини таъминлаш асослари ва унда енгил саноатнинг ўрни ҳамда аҳамияти

2013-йилнинг асосий якунлари ва 2014-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги Президентимизнинг маърузасида 2014 йилдаги устувор йўналишлардан бирига тўхталиб —Бу ўринда сўз, биринчи навбатда, мамлакатимизда том маънодаги рақобат муҳитини шакллантириш ҳақида бормоқда – деб белгиланди.²

Дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг қайси моделини танламасин мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги мавқеи ва ўрни унинг рақобатбардошлик даражаси билан белгиланади. Халқаро иқтисодий рақобат техник тараққиётнинг энг муҳим омили ҳисобланади ва унинг таъсирида ишлаб чиқариш, бошқарув технологияларининг доимий янгиланиб бориш жараёни давом этади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари янгиланади ва сифати ортиб боради.

Рақобатбардошлик деганда одатда товар ишлаб чиқарувчиларнинг минимал рентабелликни таъминловчи нархда ташқи бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришга бўлган қобилияти тушунилади. Таъкидлаш лозимки, рақобатбардошлик товарлар бозори билан чекланиб қолмай, макроиқтисодий тавсифга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, — ўз-ўзидан аёнки, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатбардош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

² И.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

концепциясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас.³

Тарихан мамлакатларнинг рақобатбардошлиги концепцияси миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрнини белгилаб берувчи қиёсий афзалликлари (арзон ишчи кучи, бой табиий ресурслар, қулай географик жойлашув, иқлим, инфратузилма омиллари ва ҳ.к.) назариясига асосланган.

Қиёсий афзалликлар мамлакатга табиатдан берилган бўлиб, улар абадий эмас ва такрор ишлаб чиқарилмайди. Ушбу рақобат афзалликлари фан ва техниканинг ривожланиши, ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, ишлаб чиқариш даражасида глобаллашуви ва товарни ишлаб чиқаришдан тортиб то уни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча босқичларда инновацияларга асосланади.

Ўзбекистон қуйидаги қиёсий афзалликларга эга:

- қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун қулай табиий-иқлим шароитларининг мавжудлиги;
- бой табиий ресурслар ва рекреация ресурсларига эгаллиги;
- бой маданий-тарихий меросга эгаллиги туризмни ривожлантириш имконини беради;
- мамлакатнинг қулай географик жойлашуви;
- Ўзбекистон аҳолисининг меҳнатсеварлиги ва тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган меҳнат ресурсларининг мавжудлиги.

Ўзбекистоннинг рақобат жиҳатдан афзалликларини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- мамлакат сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг барқарорлиги;
- инсонни ривожлантиришга (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий эҳтиёжларга) катта қўйилмалар;
- аҳоли ўртача яшаш ёшининг узунлиги;

³ Қаримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. -Тошкент.: —Ўзбекистон||, 2012. 20-б.

- меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги;
- мамлакат аҳолиси таълим даражасининг юқорилиги.

Юқорида айтиб ўтилганидек, қиёсий афзалликларга эга бўлиш билан бирга республика миллий иқтисодиётининг рақобат афзалликларини ҳам ривожлантириш зарур. Мазкур ҳолатда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қуйидаги омилларга асосий эътиборни қаратиш лозим, хусусан: мамлакат сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг барқарорлиги, меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги ва мамлакат аҳолиси таълим даражасининг юқорилиги.

Шундай қилиб, рақобат нуқтаи назаридан афзалликлар ўзгарувчан бўлиб, инсон капиталининг ривожланиши, инновацион юқори технологиялар, интеллект билан боғлиқ ва ўз табиатига кўра чексиздир. Мамлакатнинг қиёсий ва рақобат афзалликларини аниқ фарқлаш лозим. Бир мамлакатда қиёсий ва рақобат афзалликларининг интеграциялашуви унинг глобал иқтисодиётдаги рақобатбардошлигини кучайтиради.

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш, халқаро рақобатни вужудга келтиришнинг муҳим шарти дунё мамлакатлари иқтисодиётининг очиқлиги билан белгиланади. Ўзбекистон иқтисодиёти эркинлашуви чуқурлашиб, очиқлик даражаси ортиб жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кучайиб бормоқда.

Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, иқтисодиётнинг очиқлик даражаси миллий ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркибига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий таркибида базавий тармоқлар улуши қанчалик юқори бўлса, иқтисодиётнинг очиқлик даражаси шунчалик паст бўлади. Ушбу ҳолат базавий тармоқларнинг халқаро ихтисослашув жараёнига кам даражада жалб этилганлиги ва асосан ички бозорга йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Қайд этиб ўтилганидек, иқтисодиётнинг очиқлиги халқаро иқтисодий рақобатнинг муҳим шарти ҳисобланади. Мамлакатларнинг рақобатбардошлиги қандай аниқланади ва у нималарга боғлиқ? Нима

сабадан баъзи мамлакатлар рақобатбардошлиги жиҳатидан бошқа мамлакатларга нисбатан илгарилаб кетган?

Рақобатбардошлик тушунчасига иқтисодий адабиётда фирмаларнинг мавжуд шароитда рақобатчиларига нисбатан баҳо ва баҳосиз тавсифига кўра товарларни лойиҳалаштириш, тайёрлаш ва сотиш борасидаги реал ва потенциал имкониятларидир дея таъриф берилади.

2. Ўзбекистонда енгил саноатни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

Енгил саноатни ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ишларининг олиб борилиши жуда муҳимдир. Енгил саноатни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий чоралари қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш инфраструктурасига тегишли объектларни, жумладан транспорт турини қуриш;
- хорижий инвесторга қонуний жиҳатдан кафолатни бериш;
- объект қуришда имтиёзли кредитлар билан таъминлаш;
- ер участкалари, минерал хом-ашёлари, ёқилғи-энергетика ресурслари ва сув ресурсларидан фойдаланиш учун имтиёзли шароитларни яратиб бериш;
- кадрларни тайёрлаш;
- маълум муддатга солиқ имтиёзларини бериш;
- имтиёзли ташқи савдо шарт-шароитлари билан таъминлаш ва ҳ.к;
- мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ўзбекистонда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳанинг имкониятларини, унинг мамлакатимиз салоҳиятини рўёбга чиқаришда тутган ўрнини биргина тўқимачилик саноати орқали ҳам тавсифлаш мумкин.

Биринчидан, тўқимачиликнинг ўзи истиқболда олиниши мумкин бўлган фойда самараси аҳамиятлилиги сабабли инвестициялар киритиш манфаатли бўлган тармоқ ҳисобланади.

Иккинчидан, ушбу соҳа бизнинг тўқимачилик бозоримизда ўз ривожланиш истиқболларини кўра билган ва манфаатларини ҳисобга олган хорижий компаниялар билан йирик ва қизиқарли лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Учинчидан, бу тармоқ тўқимачилик маҳсулотлари, шу жумладан, пахта толасини етказиб бериб, бундан айниқса хорижий ҳамкорлар доимо манфаатдор бўлиб келганлар. Шунинг учун ушбу омиллар Ўзбекистон тўқимачилик тармоғини интенсив тараққиёт учун устувор ҳисобланган миллий иқтисодиётнинг биринчи бешта сектори қаторидан жой олишига имкон яратди.

Ушбу тавсифий белгиларни мамлакатимиздаги енгил саноатнинг қолган тармоқлари – тикувчилик, ипакчилик ва чинни ишлаб чиқариш соҳаларига нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин бўлиб, улар қаторига қуйидаги тавсифий белги ва афзалликларни ҳам киритиш мумкин:

- мазкур тармоқнинг тарихан миллий иқтисодиётимиз учун анъанавий соҳалардан бири бўлиб келганлиги;
- енгил саноат учун хом ашё ва материаллар базасининг етарли даражада ривожланганлиги;
- тармоқда яратиладиган янги иш ўринлари қийматининг нисбатан пастлиги;
- иқтисодий ўсиш ва аҳоли даромадлари ошишининг дастлабки аломатлариданоқ унинг маҳсулотларига талабнинг ўсиши эластиклиги етарли даражада юқори, аксинча, иқтисодий пасайиш шароитида нисбатан пастлиги;
- тармоқ меҳнат сиғимининг юқорилиги бандлик ва аҳоли даромадларининг ўсиши учун қулай шарт-шароитлар яратиши;

- қўшилган қийматнинг юқори даражаси ва капиталнинг тез айланиши капитални жамғариш учун яхши шароитларни вужудга келтириши;

- тармоқ капитал сиғимининг нисбатан пастлиги унга кичик бизнес корхоналарининг кириши учун тўсиқларни пасайтириб, тармоқнинг ривожланиш жараёни ва рақобатли бозорнинг шаклланишини тезлаштириши;

- қайта тикланувчан хом ашё (жун, пахта, зиғирпоя толаси, ипак ва ҳ.к.) ресурсларидан фойдаланиш имконияти тегишли чекловлар ҳамда хом ашёга монопол юқори нархларнинг шаклланиши хавфини бартараф этиши;

- тармоқ валюта тушумлари ва давлат бюджети даромад қисми шаклланишининг, шунингдек, мувофиқ равишда давлат ижтимоий дастурларини амалга оширишнинг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланиши ва ҳ.к.

Енгил саноат тармоғидаги эскирган асбоб-ускуналарни фойдаланишдан чиқариш – модернизациялашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Модернизациялаш жараёнининг ташкилий-иқтисодий асосини кўриб чиқишда унинг ҳар бир таркибий йўналишининг тутган ўрнини баҳолаш муҳим ҳисобланади. Умуман олганда, модернизация жараёнининг ҳар бир йўналишнинг қўлланиши унинг мазмунида турлича аҳамият касб этади. Қолаверса, ҳар бир йўналишни тараққиётнинг дастлабки палласидан бир хилда қўллаб, амалга ошириш мумкин эмас.

Мамлакатимиз жаҳон тўқимачилик бозорининг энг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган пухта ўйланган иқтисодий сиёсатнинг изчил амалга оширилиши туфайли мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлиги, жумладан, миллий пахта ва тўқимачилик комплекси самарадорлигини ошириш, пахта толасидан юқори кўшимча қийматга эга сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда экспорт таркибида унинг улушини кўпайтириш ҳисобидан йилдан-йилга ортиб бормокда.

Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни юқори кўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириш давомида тўқимачилик саноати ҳам изчил ривожланиб, янги корхоналар ишга туширилаётгани, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда 2,2 мингдан ортиқ енгил саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 280 дан ортиғи —Ўзбекенгилсаноат|| давлат акциядорлик компанияси таркибига киради. Шу билан бирга кўшма корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. 2015-йилга мўлжалланган енгил саноатни ривожлантириш дастурига мувофиқ соҳага енг замонавий технологиялар жорий этилмоқда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ҳар йили 20 дан ортиқ турга кўпаймоқда. Бугун Ўзбекистонда тайёрланаётган тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 40 дан зиёд давлатига экспорт қилинмоқда. Талаб эса яна ошмоқда.

Мамлакатимизда қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳити яратилгани сабабли тўқимачилик саноатига инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажми ошмоқда. Бу эса фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни жадаллаштириш, хорижий ишлаб чиқарувчилар билан муваффақиятли рақобатлаша оладиган янги замонавий корхоналарни ташкил этиш имконини бермоқда.

3. Ўзбекистон енгил саноати ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва асосий натижалари таҳлили

Енгил саноат – хилма-хил хом ашёдан кенг истеъмол маҳсулотлари ва буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат тармоқлари мажмуи.

Енгил саноатда хом ашёга ҳам дастлабки ишлов бериш, ҳам тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш амалга оширилади. Енгил саноатда пахта, ипак, зиғир, каноп, сунъий чарм хом ашё сифатида фойдаланилади.

Енгил саноатнинг асосий тармоқлари қуйидагилар: тўқимачилик, тикувчилик, кўнчилик, мўйнадўзлик, пойабзал саноати ва бошқалар.

Енгил саноат маҳсулотларини иқтисодийнинг бошқа соҳаларида ҳам ишлатилади: машинасозлик, электромеханика, автомобилсозлик, авиация, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, соғлиқни сақлаш ва бошқа тармоқларда ишлатилади.

Енгил саноат йирик фабрика индустриясининг тармоғи тарзида XVIII асрнинг иккинчи ярмида барпо қилинди. Енгил саноатнинг қадимги тармоқларидан бири бўлган тўқимачилик саноати XVIII асрдаги улкан кашфиётлар, йирик машиналаниш саноатга ўтиш билан боғлиқ. Лекин қўлда пахта ва жундан пойабзал тикиш учун терини қайта ишлашнинг оддий усуллари Ҳиндистон, Хитой, Миср, Ўрта Осиёда миллоддан аввал бир неча аср илгари маълум бўлгани тарихий адабиётларда қайд этилган ва археологик топилмалар билан тасдиқланган. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида XIX асрнинг охирига қадар хўжалик тараққиёти хонаки, косибчилик, хунармандчилик ишлаб чиқаришдан иборат эди. Саноат усулида ишлаб чиқарилган кийим-кечак, пойабзал, трикотаж маҳсулотлари, газмоллар асосан Россиянинг марказий шаҳарларидан олиб келинган, четга асосан Россияга пахта толаси, хом ипак, тери ва бошқа хом-ашё турлари чиқарилган.

Ўзбекистонда енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга XIX асрнинг охирида Тошкент шаҳрида пахта тозалаш заводи қурилиши билан асос солинган. XX аср бошларида енгил саноат соҳаси асосан пахтани қайта ишлаш корхоналаридан иборат бўлиб, янги саноат маҳсулотларининг қарийб 4/5 қисми шу соҳага тўғри келган. 20-йиллардан пахта тозалаш заводлари, пиллачилик, йиғирув-тўқув, тикувчилик, чарм-галантерея, пойабзал фабрикалари қурила бошлади, республиканинг ўзида етиштирилган хом-ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадларида майда хунармандчиликни бирлаштириб саноат асоси яратилди.

Енгил саноат Ўзбекистон иқтисодийётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмида енгил саноат

тармоғининг улуши 2012 йилда 12.9% фоизни ташкил қилди. Иктисодиётнинг ушбу тармоғи юкори экспорт салоҳиятига эга, унда халқ эҳтиёжи учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва кўплаб иш жойи таъминланишига имкон яратилади. Шу билан биргаликда, унинг корхоналари иктисодиётнинг қишлоқ хўжалиги, энергетика, ёқилғи ва кимё саноати, машинасозлик, транспорт каби ишлаб чиқариш соҳалари билан узвий боғлангандир.

1- жадвал

Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси

Маҳсулот тури	Ўлчо в бирл.	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Пахта толаси	минг тонна	1184,2	1156,6	1039,8	1117,8	1102,1	1085,5	1087,5
Ип газлама толаси	минг тонна	170,8	156,1	157,2	188,0	123,9	140,6	171,3
Ип газлама	млн. м ²	258,3	94,2	77,7	77,2	48,0	56,4	77,7
Трикотаж маҳсулотлари	млн. дона	36,3	45,4	44,8	67,1	70,4	64,6	88,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, енгил саноатнинг айрим маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг динамикаси, ўтган йилга нисбатан яхшиланиб бормоқда. Ип газлама толаси кўрсаткичи 2011 йилда 123,9 ни 2013 йилда эса 171,3 ни ташкил этган, 47.4 пунктга ўсиш рўй берган.

Мустақиллик йилларида енгил саноат тармоғи ривожланишнинг янги сифат босқичига ўтди, яъни жаҳонда етакчи машинасозлар ва ишлаб яқарувчилар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имкониятлари очилди. Республика енгил саноат тармоғи ривожланишида, давлат томонидан 1996 йил апрелда қабул қилинган "Енгил саноат ва маҳаллий саноатини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этди. Бу қарор асосида енгил тармоқларида катта бурилишлар содир бўлди, 35 та инвестицион лойиҳалар

амалга оширилди, 152 млрд.сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, шу жумладан чет эл инвестициялари 644,4 млн. АҚШ долларни ташкил килади. Чет эл инвестицияларини жалб қилиб бир қатор қўшма корхоналар ишга тушрилган бўлса, "Наманган текстил" Акционерлик жамияти (АЖ), "Аснам текстил" АЖ, "Каштекс", "Гурлен", "Антекс" тўқимачилик комплекслари, "Каракультекс" ҚК, "Мидатекс" ҚК ва бошқалар чет эл инвестициялари оркали техник қайта жиҳозланди.

Ўз маблағлари хисобидан "Бухоротекс" АЖ, Чинобод ПТФ" АЖ, "Тоштуқимачи" АЖ, "Яккабоғ тикувчилик фабрикаси" АЖ техник қайта жиҳозланди, Тошкент вилоятида крахмал ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилди.

Республика ялпи енгил саноати маҳсулотларининг тенг ярми пахта тозалаш саноати ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон мустақиллик йилларида пахта майдонлари ярим млн. гектарга камайди ва бу нарса пахта тозалаш саноати фаолиятига таъсир кўрсатди. Собиқ иттифоқ даврида қайта ишланган пахта толасининг 92-96 фоизи фақат Россияга жўнатилар эди. Эндиликда пахта толаси узок хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда ва унинг бир қисми ўзимизда такрор қайта ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон пахта толаси 40дан ортик хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Республикамиз пахта толасини экспорт қилиш бўйича жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Республикада ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 40 фоизи мамлакат саноат корхоналарида қайта ишланмоқда. Яқин келажак республикада етиштириладиган пахта толасининг 80 фоизини қайта ишлашга эришиш вазифаси қўйилган.

Республика тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири рақобатбардош газлама ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат. Кейинги йилларда бир қанча минтақаларда, хусусан Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Бухоро ва Фарғона вилоятларида замонавий техника ва технология билан жиҳозланган ўнларча

йирик тўқимачилик корхоналари қурилди. Айниқса АҚШ, Италия, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Корея фирмалари билан ҳамкорликда ип газлама ишлаб чиқарадиган янги кўшма корхоналарнинг ишга туширилиши тўқимачилик саноатимизнинг ютуғи бўлди.

"Супертекстил" пахта ип йигирувчи Ўзбекистон-АҚШ кўшма корхонаси (Тошкент,1993), ипак гиламлар ишлаб чиқарадиган "Афғон, Бухоро, Самарқанд" кўшма корхонаси (Самарқанд, Бухоро, 1993) ва Туркиянинг "Азекс" корхонаси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа туманида тўлиқ технологик қувват билан ишлайдиган тўқимачилик мажмуининг ишга туширилиши тармоқ истиқболини янада кенгайтирди.

Ушбу саноат тури қадимдан Марғилон, Наманган, Қўқон, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида машҳур бўлган. Шойи газлама ва зарли кийимлар ишлаб чиқаришда асрий тажрибага эга бўлган ўзбек халқи ўз удумларини асрлар оша давом эттириб ва такомиллаштириб келмоқда.

Республикада дастлабки пиллакашлик фабрикалари 1926-1932 йилларда Самарқанд, Бухоро ва Марғилонда қурилган. 1937 йилда сунъий ипак газламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ҳозирги вақтда Марғилон (1926), Фарғона (1926), Самарқанд (1927), Бухоро (1927), Тошкент (1959), Наманган (1966), Урганч (1975), Шаҳрисабз (1976) ва Булоқбоши (1989) пиллакашлик фабрикалари ва уларнинг 12та филиали ишлаб турибди.

Республикада шойи тўқиш соҳасида Марғилон шойи тўқиш комби-нати (1928), Марғилон "Атлас" (1925) ва Наманган (1966) шойи ишлаб чиқариш бирлашмалари, Наманган абрли газламалар комбинати (1925), Самарқанд шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси (1934), Қўқон шойи тўқиш фабрикаси (1926), Шўрчи ва Бойсун шойи тўқиш фабрикалари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакат шойи ва атлас тўқиш саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган крепдешин, кретпифон, крепжоржет, атлас, хонатлас, беқасам, шойи, сунъий иплардан тўқилган абрли газламалар халқимиз эҳтиёжини қондириб келмоқда ва хорижга экспорт қилинмоқда. Мамлакат енгил саноати

мажмуида трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда тикувчилик ҳам таракқий этган. Саноатнинг бу тармоқларига ихтисослашган йирик корхоналар Тошкент, Самарқанд, Андижон ва бошқа ўнлаб шаҳарларда фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхоналарда чиройли кийим-кечаклар билан бирга қўлда тикилган кўрпа-тўшак, гулкўрпа, зарбоф тун чойшаб, сўзана, кашта каби буюмлар юксак миллий санъат асари даражасида ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон енгил саноатида чинни идишлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилган. Айниқса Тошкент, Самарқанд, Қувасой чинни заводларида тайёрланган коса, пиёла, чойнак, лаганларнинг доврўғи дунёга тарқалган. Масалан, Тошкент чинни заводида ишлаб чиқарилган "Ўзум" ва бошқа чинни идиш тўпламлари халқаро ярмарка ва кўрғазмаларда фахрли совринларни қўлга киритган. Республика енгил саноатининг яна бир муҳим тармоғи мебель ишлаб чиқаришдир. Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Шўрчи, Қўқон, Бухоро, Қува шаҳарларида фаолият кўрсатаётган мебель ишлаб чиқариш фабрикалари ассортиментининг кўплиги, маҳсулотининг юқори сифати билан ажралиб турада. Мамлакатдаги хорижий технологияни қўллаб ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган мебелчилик корхоналарида мехмонхона, ошхона, кабинет, ётоқхона, ўрта мактаб ва лицейлар учун мебеллар ишлаб чиқарилади. Миллий мебель хонтахта, сандик, курси намуналарини, ҳашаматли мебеллар йиғмаларини ишлаб чиқариш тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозирги даврда Ўзбекистон енгил саноати кўп тармоқли индустриал комплекс бўлиб, унинг таркибида пахта тозалаш заводларидан ташқари, тўқимачилик, трикотаж, шойи тўқиш, тикувчилик, кўнпойабзал, гиламчилик, чинни-фаянс буюмлари ва атторлик моллари ишлаб чиқариш соҳаларида йирик корхоналар бор.

4. Енгил саноатда тўқимачилик маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ҳамда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни жумладан, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитида энгил саноатни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда унинг иқтисодий салоҳиятидан имкон қадар тўлароқ фойдаланиш устувор вазифалардан бирига айланди. Шунга кўра, мамлакатдаги саноат сиёсатининг марказий бўғини сифатида тармоқда кенг камровли модернизациялаш тадбирларининг амалга оширилиши белгилаб олинди. Бунинг учун энгил саноат таркибига кирувчи турли тармоқ корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш дастурлари ишлаб чиқилиб, уларнинг асосий мақсади – тармоқнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тайёр рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича қувватларни кўпайтиришни рағбатлантириш, экспортга маҳсулот чиқариш ҳажмини ошириш, шунингдек, корхоналарни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ҳисобига янги ишчи ўринларини яратиш ҳисобланади.

Бугун тўқимачилик саноати – мутахассисларнинг фикрича, мавжуд шарт-шароитлар ва ресурслар билан таъминланганлик ҳолатида чуқур қайта ишланувчи маҳсулотларнинг етакчи ишлаб чиқаришига айланиши мумкин бўлган соҳа ҳисобланади. Самарали бошқарув билан уйғунлашган ҳолдаги янги ишлаб чиқариш технологияларининг жорий этилиши тўқимачилик корхоналаридаги нисбатан юқори меҳнат унумдорлигини таъминлайди. Тармоқни модернизациялаш доирасида газламаларни бўйлаб тизимига янги ёндашувлар белгилаб олинган. Эндиликда республикамизга нафақат бўёвчи моддаларни, балки уларни ишлаб чиқарувчи технологияларни олиб келиш режалаштирилмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, тўқимачилик тармоғига киритилган 1 млн. доллар инвестиция эвазига 45-50 нафар ишчи ўрнини яратиш мумкин. Бу машинасозликка нисбатан 3-4 баравар, ёқилғи-энергетика комплексига нисбатан 5-6 баравар кўпдир. Мазкур ҳолат энгил саноат тармоғидаги инвестиция сиёсатининг янги концепциясини вужудга келтириб, у энгил саноатини ривожлантиришни рағбатлантириш йўли билан аҳоли

бандлигини оширишнинг ижтимоий барқарорликнинг муҳим омилига айланишини намоён этади.

Ҳозирда бутун Марказий Осиё минтақасида етиштирилувчи пилла умумий ҳажмининг 80 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Ипакчилик соҳасининг хом ашё базасини ривожлантириш билан бир қаторда мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда ипак хом ашёси толалари ва ипак газламаларни ишлаб чиқаришни модернизациялаш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз ипакчилик тармоғини модернизациялаш борасида Фарғона шаҳрида ташкил этилган “SILVER SILK қўшма корхонаси фаолиятининг йўлга қўйилиши яққол намуна ҳисобланади. Қўшма корхонанинг маҳсулоти – кумуш ипак тасма жаҳон андозаларининг барча кўрсаткичларига мувофиқ келади. Ушбу маҳсулот бугунги кунда Хитой, Япония, Польша, Вьетнам, Италия, Ҳиндистон, Жанубий Корея мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Корхона тўлиқ замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Агар технологик жараёнда озгина камчиликка йўл қўйилса, бу дарров компьютерлар орқали қайд этилади. Ишлаб чиқариш замонавий лаборатория билан жиҳозланган. Янги ишлаб чиқариш чиқитсиз бўлиб, ҳатто пилланинг ичидаги қолдиқлар ҳам паррандачилик комплексларига озуқа сифатида жўнатишмоқда. Келгусида маҳаллий ипак толаларидан тайёр газламалар тўқиш кўзда тутилмоқда.

Енгил саноат тармоғи имконият ва салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш кўп жиҳатдан маҳсулот ишлаб чиқариш диверсификациясини амалга ошириш билан боғлиқдир. Узоқ йиллар давомида фақат пахта толасини экспорт қилиб келган республика бугунги кунда жаҳон тўқимачилик бозорида нафақат пахта толасини етказиб берувчи сифатида, балки тўқимачилик маҳсулоти, айниқса, тайёр маҳсулот экспортёри сифатида етакчи ўринларни эгаллаш борасида чекланмаган имкониятларга эга. Бунинг учун эса тармоқда модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнлари изчил ва жадал равишда амалга ошириб борилмоқда. Масалан, 2009 йилдан

ички бозорда катта эҳтиёжга эга бўлган кўйлақлар, жинси, костюмлар газламаларининг кенг ассортименти, ёрдамчи кимёвий материалларнинг ҳар хил турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, енгил саноат маҳсулотлари экспортини диверсификациялаш, яъни экспорт географиясини мунтазам равишда кенгайтириб бориш муҳим ҳисобланади. Бунда кўплаб амалий чоратadbирлар билан бир қаторда халқаро ва минтақавий кўргазма ҳамда ярмаркалардан фойдаланиш ўз самарасини бермоқда.

5. Енгил саноат таркибини такомиллаштиришнинг стратегик йўналишлари

Ўзбекистонда самарали иктисодиётни яратишнинг асосий шарти бўлиб, унинг тармоқларини тубдан қайта қуриш ҳисобланади. Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичи иктисодиётни эркинлаштириш билан характерланиб, бу босқичда таркибий сиёсат йўналишларини ва шаклларини аниқдаш ҳамда уларни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш зарур.

Таркибий қайта қуриш иктисодиётда умумдавлат макроиқтисодий тартиблаш тизимининг муҳим қисми ҳисобланиб, жамиятни стратегик устувор ривожланишидан келиб чиқади. У давлат суверенитета устивор манфаатини, иқтисодий, ижтимоий ва молиявий мустақиллигини таъминлайди, ҳамда республика иқтисодиёти таркибини жаҳон ривожланган мамлакатлари иқтисодиёти таркибига яқинлаштиради.

Мустақиллик йиллари давомида четдан келтирилаётган маҳсулотларни ўрнини республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан босиш дастурини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон энергия ресурслари мустақиллигига эришилди ва аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини ички ишлаб чиқариш ҳажмини қупайтириш натижасида сезиларли силжишлар бўлди. Ҳукуматимиз ўтказётган саноат сиёсати мамлакатнинг экспорт

салоҳиятини ривожлантиришга асосланди. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсини алмаштириш сиёсати ишлаб чиқарувчиларнинг ускуналарни импорт қилишга йўл очилишини таъминлади.

Бу йўналишдаги сезиларли даражада эришилган ютуқларга қарамадан саноат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар келиб чиқди. Улардан асосийси миллий бозор ҳамда чекланганлиги ва маҳсулотларнинг кўп турларини етарли даражада рақобатбардош эмаслиги бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш қўламадан етарли самара олишга имконият бермайди ва мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатмайди. Натижада иқтисодий жон иқтисодиёти замонавий тенденциясини ҳисобга олган ҳолда ривожланишини ва биринчи навбатда жон иқтисодий тизимига глобаллашувини етарли даражада таъминлай олмайди. Глобаллашув замонавий жон жараёнини ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади ва у халқаро савдонинг фаол ўсиши, халқаро капиталнинг салоҳиятидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган янги имкониятлар билан баҳоланади. Истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётидаги таркибий ташкиллантиришга глобаллашув жараёнидан келиб чиқадиган қуйидаги потенциал хатарлар таъсир қилиши мумкин:

- жон савдо ташкилоти қоидалари экспорт субсидияларига чеклашларни, инвестиция фаолиятида чет элликларни дискриминациясини ман этиш, экспорт ва импортни мажбурий лицензиялашга йўл қўймаслик, саноат товарларига юқори импорт тарифи;

- савдо ва инвестиция оқимининг очиклигини ўсиб бориши натижасида нобарқарорлик хатарининг ўсиши халқаро ташкилотлар томонидан молиявий очиклик талабини кучайтирилиши, чет эл инвестициясини мумкин бўлган сезиларли қайта оқими.

Барча мамлакатлар иқтисодиётнинг ўтиш даврида хўжалик тизимининг трансформациялар жараёнида иқтисодиётни қайта шакллантириш муаммоси билан тўқнашади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ҳукукий давлат каби ўзининг бозор иқтисодиётига ўтиш ва таркибий ўзгариш

дастурини ишлаб чиқди. Бу ўзгаришларнинг ўзига хос йўллари, усул ва услубларини эътиборга олиб Ўзбекистон иктисодининг таркибий ўзгаришлар дастури бозор муносабатларининг шаклланиши дастурининг негизи ҳисобланади.

Таркибий қайта қуришда асосий эътибор ишлаб чиқариш суръатларни пасайтиришга, макроиқтисодий барқарорликка эришишга, корхоналарни энг янги замонавий технологиялар ва ускуналар билан таъминлашга, ижтимоий ишлаб чиқаришда нодавлат секторининг улушини оширишга қаратилади.

Таркибий қайта қуришда чуқур ўзгаришларни амалга ошириш иқтисодий барқарорликка эришишнинг, Ўзбекистоннинг истиқболда барқарор иқтисодий ўсишини ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишнинг асосий шартларидан биридир.

Хом ашё етиштиришга қаратилган, чуқур ҳудудий номуносивликларга ҳамда маънавий ва жисмоний жихатдан эскирган ишлаб чиқариш базасига эга бўлган иқтисодиётни замон талабига жавоб берувчи иқтисодиётга айлантириш учун қуйидаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш зарур вазифаларидан ҳисобланади:

- хом ашё етиштиришга мўлжалланган иқтисодиётимизнинг бир томонламалигини қатъиян бартараф этиш;
- тармок тузилишини тубдан узгартириш;
- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш;
- маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш;
- ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда йўл қўйилган номуносивликни тугатиш;

Таркибий ўзгаришлар ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятга эга. Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибини шаклланишида қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

- иктисодиёт.инг хом ашё ишлаб чиқариш йўналиши;
- ЯИМ яратишда кишлоқ хужалигининг микдорий улуши юкори на уларда банд бўлган аҳоли улушининг куплиги;
- экспортга мулжалланган ишлаб чиқариш улушининг пастлиги:
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуранинг ривожланиш даражасининг пастлиги;
- саноат асосан Собик Иттифокнинг саноат районларининг хом ашёга булган талабини хисобга олиб шаклланганлиги.

Узбекистон Республикаси иктисодиётини таркибий қайта шакллантириш и амалга ошириш фаол инвестиция сиёсатини юритиш билан боғлиқдир. Узбекистон иктисодида таркибий ўзгаришларнинг талаби ва унинг самарадорлигининг юксалтиришнинг зарурияти инвестиция микдорини купайтиришни талаб қилади. Инвестиция фаоллигини ошириш масаласини давлатнинг тўғридан-тўғри аралашини билан ҳал қилиш мумкин эмас. Бунда хусусий инвесторлар учун реал жамғармаларнинг ўсишига имкон яратадиган ва жамғармаларнинг инвестицияга айланишини самарали тезлатадиган қулай муҳитни шакллантириш лозим.

Чет эл инвестициялари таркибий қайта ташкил этишда мухим ўрин тутаети. Чет эл инвестициясини жалб қилмасдан иктисодиётни такомиллаштириб бўлмайти, корхоналарни замонавий техника билан жихозлаш ва ракобатбардош маҳсулот чиқаришни йўлга қўйтиш мушкулдир. Шу мақсадда Узбекистонда инвестиция учун қулай инвестицион мухит яратилган ва у доимо такомиллаштирилмоқда.

Лекин чет эл инвестициясининг асосий қисми давлат кафолати асосида жалб қилинмоқда. Давлат сиёсатининг хусусий инвесторларга нисбатан асосий масаласи уларнинг фаолиятига аралашмасдан уларни Узбекистон бозорига жалб қиладиган қулай иш шароити яратишдан иборат.

Таркибий қайта куриш иктисодиётни бозор моделига ўтишининг биринчи боскичидаги алоқида хусусиятн бўлиб. таркибий сиёсат ва инвестиция стратегиясини ҳамда устивор ривожланишни аниклашда.

бошқаришнинг юқори поғонасида қарорларни қабул қилншда амалга оширилади. Бу босқичда давлат қаттиқ иқтисодий сиёсат ўтказиши ва айрим вақтда маъмурий чоралар қўриши тарқибий ташкиллантириш соҳасида ягона қучли тадбир ҳисобланади. Бунда давлат уз бошқарув органлари орқали фақат тарқибий силжишларнинг регуляторидан фойдаланади.

Хулоса ва таклифлар

Енгил саноат тармоқларининг иқтисодий таҳлили натижасида куйидаги номуносивликлар аниқланди:

- тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга нисбатан хом ашё товарлари ишлаб чиқаришнинг юқорилиги (пахта тозалаш);
- ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасининг пастлиги;
- экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш улушининг камлиги;
- ишлаб чиқаришни хом ашё ва бутловчи материаллар билан таъминланишидаги номуносивлик;
- ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш учун бор бўлган бой маҳаллий ресурслардан нораціонал фойдаланиш;
- ташқи бозорни ўрганиш учун олиб бориладиган маркетинг тадқиқотлари даражасининг пастлиги ва бошқалар.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилишда куйидаги чораларни кўришни тавсия этилади:

- енгил саноатнинг ички ва ташқи бозорда юқори талабга эга бўлган маҳсулотлари ва замонавий технологияларига асосланган ҳолда енгил саноат ривожланишининг узок муддатли концепциясини ишлаб чиқиш;
- ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган ўзаро боғлиқ мажмуани шакллантиришга ўтиш;
- чет эл инвестицияларини кенгайтирган ҳолда тайёр маҳсулотга йўналтирилган ишлаб чиқаришни технологик ва техник қайта жихозлаш;
- республика, концерн ва корпорациялар, корхоналар даражасида маркетинг тадқиқотларни кенгайтириш;
- малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш.

2013 йилда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК компаниясида келажак вазибалари белгиланган:

- □енгил саноатни ривожлантириш стратегияси нафақат тугалланмаган

- босқичга (ип калава ва хом газлама) йўналтирилган, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтиришни ташкил этиш;

- лойиҳаларни амалга оширишда худудларнинг эҳтиёжини кондириш билан мавжуд хом ашё манбалари ва ишчи кучларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш;

- 2013 - 2015 йиллирга мўлжалланган дастур доирасида кўрилидиган чоралар натижасида саноат маҳсулотларининг ўсиш суръатини йилига 120 фоизга, экспорт ўсишини 10 фоизга, ички бозор эҳтиёжини кондириш вазифаларидан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни //«Халқ сўзи» газетаси. 7 январ 2012 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. И.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.
5. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2009. – 340 бет.
6. Бизнес-планирование: учебник/ под ред. В.М.Попова и др.- 2е изд., перераб.и доп.- М.: Финансы и статистика, 2009.- 816 с.
7. Пелих А.С. Бизнес - план или как организовать собственный бизнес.- 4- е изд., перераб. и доп .- М.: «Ось-89» , 2008.- 112 с.
8. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар. Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2010, – 256 б.
9. Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: —Шарқ||, 2010. – 480 б.
10. www.stat.uz (O`zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo`mitasi)
11. www.ima.uz (O`zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi)
12. www.academy.uz (Fanlar akademiyasi)